

Гитлер аслида ким эди? Уни ўзининг бетайин гоёларини жамиятга жорий этишга нима мажбур қилди? “Учинчи Рейх” асосчиси қандай қилиб бутун немис миллатини ягона бир мақсад йўлида бирлаштира олди? Иккинчи Жаҳон Урушининг юз беришида барча айб Гитлердами? Орадан салкам 80 йил (1933 йил – м.) ўтган бўлса ҳам, ўша пайтда Адольф Гитлернинг даҳолик истеъдодини тан олмаган Ғарб олами вакиллари ханузгача ҳатто унинг номини эшитишдан ҳам қўрқишларини билантириб қўйишмоқда. Яқинда Ғарб электрон нашрларида АҚШ олимлари томонидан ўтказилган ДНК текширувлари натижасига кўра, СССР вориси – Россия Махсус хизмати вакилларига фюрернинг жасади қолдиқлари эълон қилинганидек, қуйдирилиб, ҳоки Эльба дарёсига оқизилмаганлиги ҳақидаги айб қўйилди. АҚШлик мутахассислар томонидан Россия Махсус хизмати архивида сақланаётган собик рейхсканцлернинг бош қаноти парчаси аслида 40 ёшлар атрофидаги аёл жинсига мансуб кишига тегишли эканлиги ҳақидаги далиллар тақдим этилди. Ўз навбатида ФСБ РФ расмийлари буни инкор этиб қўя қолишди.

Хўш, руслар нима мақсадда фюрерга тегишли бош қанот парчасини яширишга ҳаракат қилишган ва АҚШ томонининг бундай шубҳага боришига нима сабаб бўлган? Бу ҳудди нима учун Иккинчи Жаҳон уруши даврида бирга ҳаракат қилган иттифокчилар уруш тугаши билан бир-бирига муҳолиф бўлиб қолди, деган саволга ўхшаб кетади. Жаҳон сиёсат майдони намоёндалари 1991 йилда бизни “Совук уруш” тугаганига ишонтаришган эди-ку?! Нега унда фикрлар қарама-қаршилиги ҳали-хануз давом этиб келяпти?

Аслида Гитлернинг ҳокимиятга қелиши қандай омиллар билан боғлиқ бўлганини яхши англаган ҳолда айтиш мумкинки, уруш айбдорлари ҳақида гап кетганда қимлардир ўзини четга олгани маълум бўлади. Шундан қелиб чиқиб, қандайдир яширин қучлар ўзларига тегишли сир очилиб қолишдан қўчиётган бўлишлари мумкинлиги ҳақидаги тахмин вужудга келади.

Умуман олганда, агар Гитлер ва фашизм баҳона бўлмаганда, Америка сиёсати Европа ва Осиёга суқилиб қириши мушкул эди. Чунки коммунистик мафкура бутун Европани тобора ўз домига тортиб бормоқда эди. Айнан Адольф Гитлер билан коммунизмга қарши кураш учун иттифокка бирлашган мунофиқ Ғарбни бугун бутун дунё танийди.

Ҳақиқатда ким эди Гитлер? Нима учун ёмон қўрарди яҳудийларни?

Фюрер шахсининг аслида ким бўлгани ҳам аниқ эмасга ўхшаб қолди. Матбуотда унинг аслида яҳудий иркига мансуб эканлиги¹ни исботловчи бир қатор далилий-ашёлар эълон қилинган, “ҳолокост”нинг моҳияти ҳам қоронгилашиб кетди. Хўш, агар Гитлер ҳақиқатдан ҳам яҳудий бўлган бўлса, унинг антисемитистик сиёсатини қандай тушуниш мумкин? Ёҳуд унинг яҳудий иркидан эканлигини исботлашга уринаётган қучларнинг мақсади нимадан иборат? Қимлардир ўз изларини қалқаштиришга ҳаракат қилаётганлари йўқмикан? Тўғри-да, ўзи яҳудий бўлади-ку, нега яҳудийларни қиради, деган савол қўпчиликни мақсадидан қалғитиши табиий.

Манбаларда ёш Адольф қалбида яҳудийларга бўлган нафрат онаси Кларани қўқрак саратонидан даволашда самарага эриша олмаган яҳудий врачига адоват замирида пайдо бўлганлиги қайд этилади.

Гитлернинг қон ва ДНК таҳлиллари унинг қон-сом тиллари оиласига мансуб миллат

вакили эканини тасдиқлаган. Бундан ташқари, фашизм гоёси тайёр кўринишда сионизм таълимотидан кўчириб олинганлиги ҳақидаги қарашлар ҳам мавжуд. Яна бир маълумотга кўра, Гитлер Хабирулар (яхудий аристократияси) томонидан тузилган рўйхатдаги яхудийларнигина йўқ қилган. Яхудий аристократияси қимми муносиб кўрса, ўша холокост қурбонига айланган. Бой ва обрўли яхудийларга Америка ва Исроилга кўчиб кетишга рухсат берилган. Ночор ва ўзлигини йўқотган яхудийлар концлагерларга жўнатилган.

Хуллас, Гитлернинг бирдан яхудийга айланиб қолиши қимнингдир сценарийси бўйича кетаётганига шубҳа йўқ. **Икболжон Камолов**